Бирортангиз бавл қилганда закарини ҳаргиз ўнг қўли билан ушламасин, нажосатни ўнг қўли билан артмасин. Шунингдек, (сув ичганда) идишнинг ичига нафас чиқармасин», дедилар

Абу Қатода разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бирортангиз бавл қилганда закарини ҳаргиз ўнг қўли билан ушламасин, нажосатни ўнг қўли билан артмасин. Шунингдек, (сув ичганда) идишнинг ичига нафас чиқармасин», дедилар.
[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда баъзи одобларни баёнлаб бердилар. Киши бавл қилаётганда закарини ўнг қўли билан ушлашдан, олди ёки орқасидаги нажосатни ўнг қўли билан артишдан қайтардилар. Чунки ўнг қўл шарафли ва яхши ишлар учун ихтисослашган. Шунингдек, киши ичаётган идишига нафас чиқаришдан ҳам қайтарилди.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3079